

ЁШЛАРНИ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН АСРАШ АСОСЛАРИ ВА БУ ЖАРАЁНДА ПСИХОЛОГИК ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Зухро Нуриддин қизи Матаганова

Ўзбекистон халқаро ислом академияси 2-курс магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшларни ахборот хуружларидан асраш ва бу жараёнда психологик иммунитетни шакллантиришда ҳар бир ёш маълум бир кўникма ва билимларга, ҳам диний ҳам дунёвий илмларнинг моҳиятини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши лозимлиги, бу жараёнда психологик ва диний билимларнинг аҳамияти ўрганилган.

Калит сўзлари: ахборот хуружлари, психологик иммунитет, дин психологияси, глобаллашув жараёни, ҳадис илми, ахборот қуроли, оила, таълим-тарбия, психологик ҳимоя, ахборот психологик хавфсизлиги.

FUNDAMENTALS OF PROTECTING YOUNG PEOPLE FROM INFORMATION ATTACKS AND THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL IMMUNITY IN THE PROCESS

Zukhro Nuriddin kizi Mataganova

The 2nd year master of the International Islamic Academy of Uzbekistan

АБСТРАКТ

This article explores the importance of psychological and religious knowledge in the process of protecting young people from information attacks and the formation of psychological immunity in the process, each young person must have certain skills and knowledge, the ability to understand the essence of both religious and secular sciences.

Keywords: information attacks, psychological immunity, psychology of religion, process of globalization, science of hadith, information tool, family, education, psychological protection, psychological security of information.

КИРИШ

XX асрнинг ўрталарида инсоният тараққиётининг муҳим босқичи сифатида қаралган ахборот технологияларининг ривожланиши, ахборот

алмашинуви янги кўринишларининг вужудга келиши кўплаб ахборотларнинг тарқалишига олиб келди. Айнан шу даврлардан бошлаб мутахассислар томонидан “ахборот хуружи”, “ахборот учун кураш” тушунчалари ишлатила бошланди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати ядро қуролини яратиш устида тажрибалар ўтказяпти. Аммо шу пайтнинг ўзида салкам юзга яқин мамлакат ахборот хуружларини уюштириш билан шуғулланади. Глобаллашув жараёнида янги – “ахборот уруши” атамаси пайдо бўлди. Ахборот уруши (information war) – стратегик мақсадларни амалга ошириш учун рақибнинг ахборот майдонига информацион таъсир кўрсатиш ҳаракатидир. Ахборот уруши – рақиб саналган мамлакат раҳбариятига, унинг жамоатчилик ёки диний ташкилотларига ва улар қабул қиладиган қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришга уринишдир. Таъсир қилишнинг асосий воситалари – китоблар, кинофильмлар, телевидение, интернет, ОАВ нашрлари ҳисобланади. Тарихнинг гувоҳлик беришича, радио оммавий аудиторияни жалб қилиши учун 40 йил керак бўлган, телевидение эса бунга 14 йилда эришган, Интернет тизимининг дунё аудиториясини жалб қилиш учун эса 4 йил кифоя қилди.

Ахборот хуружларига қарши психологик иммунитет бу шахснинг ҳар қандай маълумотни тўғри деб қабул қилавермаслиги, интернетдаги, ОАВ ларидаги хабарларга кўр кўрона ишониб кетавермаслигидир. Психологик иммунитетни қандай қилиб ошириш мумкин? Агар тана иммунитетни жисмоний чиникиш орқали оширилса, психологик иммунитет рухиятни чиниқтириш орқали кучайтирилади. Аввало инсон илимли бўлиши керак, инсонда ҳар қандай маълумотни анализ ва синтез қилиш жараёни фаол ривожланган бўлини керак. Анализ ва синтез жараёни эса кўп билим олиш орқали шакилланиб боради. Кўп илимга, тўғри маълумотга эга инсон эса ахборот хуружларига учраши анча қийин. Бундай иммунитетни шакллантиришга маскан вазифасини аввал оила, психологик иммунитетни шакллантирувчи асосий куч вазифасини эса ота-она, бобо, бувилар ўтайдилар. Агар оилада болага ёшлигидан тўғри тарбия берилса, нима яхши, нима ёмонлиги тушинтирилса болада турли ёд ғояларга, ахборот хуружларига қарши иммунитет шаклланган бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДОЛОГИЯ

Тарихчиларнинг таъкидлашича, психологик иммунитет ўрта асрларда юқимли касалликлар тарқалиши пайтида эса олинган. Кучли шахсларда

организмнинг химоя реакцияси ривожлана бошлайди, бу касаллик кўркуви билан курашишга ёпдам беради ва натижада беморлар сони камайишни бошлади.

Баъзи тадқиқотчила манна шундай «антидот» пайдо бўлиши туфайли инсоният «қоронғу асрлар»дан омон қолишга муваффақ бўлди деган хулосага келишган. «Совуқ ақлга» эга бўлган одамлар, касалликдан халос бўлиш учун куч топдилар.

Тананинг соғлиги рухий саломатлик билан чамбарчас боғлиқ бўлгани каби, психологик ва жисмоний иммунитетлар ҳам алоҳида бўлиши мумкин эмас. Барча касалликлар ташвиш, асабий чарчоқдан келиб чиқиши узоқ вақтдан бери аниқланган.

Психологик иммунитет фикрлаш жараёнини ҳиссий ортикча нарсалардан химоя қилади. Психологик иммунитетнинг асосий вазифаси ҳар қандай касалликни даволаш мумкинлиги тхўғрисида онг ости онгини шакллантиришдир. Буни англаган одам ваҳимадан қутилади. У совуққонлик билан ҳаётдаги қийинчиликларни енгиш учун ҳамма нарсани қилади ва амалиёт тасдиқлаганидек уларнинг кўпчилиги муваффақиятга эришади.

Психологик иммунитетга эга бўлган одам жамиятдаги ҳаётга кўпроқ мослашади. Асаб тизимининг ушбу юқори функцияси мавжудлигининг аломатларини қуйидагиларда кўриб чиқишимиз мумкин:

- ҳар қандай шароитда еҳтиёткорлик;
- реакциянинг етарлилиги;
- стресга чидамлилики;
- турли хил шароитларга яхши психологик мослашувчанлик.

Психологик химоянинг заифлашиши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу фикрлашга ҳам, жисмоний ҳолатга ҳам ёмон таъсир қилади. Аввалига ҳаддан ташқари асабийлашиш носоғлом кўринишга ега одам билан ҳар қандай алоқада пайдо бўлади.

Инсонни индивидуал ижтимоий-психологик химоя қилиш контсептсиясини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги қуйидаги асосий шартлар билан белгиланади: биринчи навбатда, ушбу шахсий таълимнинг функционал ва тизимли тузилишига мувофиқ терминологик фарқланиш ва шахсий механизмлар ва функцияларга эга шахслар психологик муҳофазаси зарурлиги; иккинчидан, асосан ижтимоий-психологик мазмунга эга бўлган турли ахборот ва коммуникатив вазиятларда ташқи ахборот ва психологик таъсирлардан химоя қилишга қаратилган; Учинчидан, ижтимоий-психологик механизмлар ва нақшларга асосланган шаклланиш жараёни.

Шу билан бирга, психологик ҳимоя тушунчаси кенг тарқалган ва шахслар ҳимояси сифатида асл маъносидан ортиб кетганлиги сабабли, унинг умумий ва шахсий тушунчаси ҳақида гапириш мумкин.

Шунинг учун, ижтимоий ва ижтимоий гуруҳ даражасини кўриб чиқаётганда, "шахснинг ижтимоий ва психологик ҳимояси" атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

МУҲОКАМА

Албатта, интернетнинг имкониятлари фақат салбий жиҳатларда акс этмайди. Унинг ўзига хос ижобий томонлари ҳам мавжуд. Улар сирасига маълумотга дарҳол эга бўлиш, ахборот ва маълумотларнинг турфа хиллиги, шахснинг ўзини намоён қилишга ёрдам берувчи мулоқот имкониятининг мавжудлиги, таълим борасида интернет имкониятларини кўрсатиш мумкин. Интернетнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда унинг энг кам сарф-харажат билан ёшлар орасида самарали деструктив фаолият олиб бориш имконияти мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ҳар куни турли ижтимоий тармоқлар ("Facebook", "MySpace", "Twitter", "Habbo Hotel", "Friendster", "Tagged.com", "Instagram", "WhatsApp", "GAP", "Linkedin", "Одноклассники", "Мой мир", "Живой журнал", "В контакте", "В кругу друзей", "Менинг олашим", "Синфдош" ва ҳ.к.лар)да миллиардлаб инсонлар бир-бирлари билан виртуал мулоқотга киришмоқдалар, турли сайтларга кирмоқдалар, "YouTube" сингари видеохостингларга ташриф буюрмоқдалар, ҳар хил блогларда ўз фикрларини баён этиб, бошқаларнинг мулоҳазалари билан танишмоқдалар. Ёшларда бузғунчи, деструктив ғояларга қарши ҳали мафкуравий иммунитет тўла шаклланмаганлигини, уларнинг эшитган ёки ўқиган маълумотига жуда тез ишонишини назарда тутсақ, бу анча эътибор қаратиш зарур бўлган жараёндир.

Шу ўринда Аллоҳ таолонинг муқаддас каломи Қуръони Каримда:

(Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур). Исро сураси 36-оят

Ислом ҳар бир нарсани илмий асосда олиб боришга даъват қиладию билмаган нарсадан четда бўлишга чақиради.

Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма!

Ҳар бир нарсани очиқ-ойдин ва аниқ билиб олгачгина унга ишониш ва у ҳақида ҳукм чиқариш керак. Гумон билан, бировнинг гапига ишониб, турли ноаниқ ишораларга суяниб ҳукм чиқариш мусулмонларга ҳос эмас. Билган нарсасини борича етказиш ҳам омонатдир. Қулоқ нима гапни эшитса, хиёнат

қилмай, ўша гапни аниқ етказиши керак. Кўз бир нарсани кўрса, ўша ўзи кўриб-билган нарсага хиёнат қилмай, у ҳақда очиқ-ойдин маълумот бериши керак. Шунингдек, дил нимани идрок этса, ўша нарсани аниқлик билан етказмоғи зарур. Бу аъзоларнинг билган, идрок этган ҳар бир нарсаси илмий омонат саналади. Омонатга хиёнат қилмаслик катта масъулият ҳисобланади. Кўз ҳам, кулоқ ҳам, дил ҳам ҳар бир нарсадан масъулдир. Бу дунёда бўлмаса, у дунёда албатта масъулдир. Айниқса, охиратдаги ана ўша масъулият мусулмонларни илмий омонатга ҳеч хиёнат қилмасликка ундаган.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Бир кишининг ёлғончи бўлиши учун эшитган нарсасини гапиравериши кифоя қилади».*Муслим ривоят қилган.*

Ҳар кимдан эшитган нарсасини гапираверган кишининг ёлғончи бўлиши турган гап экан, чунки одамлар ҳар хил гапни гапириши мумкин. Шунинг учун бир гапни эшитган одам аввал ўша гапнинг тўғрилигини текшириши, тўғри бўлса, гапириши, нотўғри бўлса, гапирмаслиги керак. Акс ҳолда ёлғончи бўлиб қолиши мумкин. Минг афсуслар бўлсинки, ҳаётимизда эшитган гапни суриштирмай гапириш кенг тарқалган. Кўпчилигимиз эшитган гапимизни рост ёки ёлғонлигини суриштирмай, тезроқ одамларга тарқатишга шошиламиз. Аммо ҳалиги гап таги йўқ, пуч ва ёлғон гап экани тезда аён бўлади. Шу билан ёлғоннинг жамиятда тарқалишига ҳисса қўшган ёлғончилардан бўлиб қоламиз, гуноҳга шерик бўламиз.

НАТИЖАЛАР

Илмсизлик ёшларни турли ёлғон маълумотларга алданиб қолишига сабаб бўлмоқда. " Ислом дининг жаҳолатдан кўра каттароқ ва кўрқинчлироқ душмани йуқдир. (Мухаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий).

Ахборот- Психологик қурол. У оммавий ахборот воситалари, компьютер уйинлари, интернет тармоғи ёрдамида инсон дунёкарашига кучли таъсир кўрсатишга мўлжалланган.

Шундай қилиб ёшларда ташқи таҳдидлар, бузғунчи таъсирларга қарши ўз вақтида тўғри муносабатни шакллантириш лозим. Ёшларнинг билимини ошириш, уларда воқеа-ҳодисалар моҳиятини шакллантириш керак. Шунда ёшларимиз оқни корадан ажратиб олиш имкониятига ега бўлади. Ахборот оқимида маҳаллий ахборотларнинг ҳам ёшларга тез етиб бориши ва ишончли бўлишини таъминлаш керак. Агар бу вазифа амалга оширилса ,

ташқаридагиғаразли ахборотларнинг ёшлар онгига таъсир кучи кескин камайиб кетади. Бундан ташқари Фуқароларнинг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириши, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, ўқув муассасалари томонидан ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Психологик-педагогик мазмундаги барча ишлар замирида давлат, жамият, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги даражасида амалга ошириладиган вазифалар акс этиши ва улар тизимли ёндашув асосида таҳлил қилинган бўлиши зарур. Психологик-педагогик таъсирнинг қуйидаги йўналишлар асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- ёшларда касбий, онгли ва ижтимоий фаолияти стратегиясини, келажак, истиқболдаги ҳаётини позициясини шакллантиришга ёрдам берадиган кадрлар тизимини таркиб топтириш;

- ижтимоий такомил ва масъулият ҳисси меъёрини белгиладиган маънавий таълимни мақсадга мувофиқ амалга ошириш, тафаккур маданиятини шакллантириш;

- ёшлар ҳам ажралмас таркибий қисми бўлган жамиятнинг турли соҳаларидаги барқарорлик ва тараққиётни таъминловчи ҳаёт тарзини шакллантиришга йўналтирилган кадрлар установакалари (йўл-йўриқлари)ни аниқлаштириш, умумлаштириш.

ХУЛОСА

Ёшлар сиёсати устувор давлат сиёсатларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда стратегик йўналишга айланган ғоя. Ёшлар учун, уларнинг онги учун курашиш зарур ва келажакдаги жамиятни ривожлантириш, минтақавий ўрнини, мустақилликни сақлаб қолиш учун замин яратилиши керак.

Бугунги кунда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан кучли, ақлан етук, соғлом ва баркамол бўлиб етишишида оиладаги соғлом муносабатларнинг аҳамияти муҳимдир. Шу боис, мустақил давлатимизда оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг барқарорлигини таъминлаш учун оилада соғлом ижтимоий муносабатлар тизимини яратиш ва бунинг учун аввало ота-оналарни психологик билим билан қуроллантириш лозимдир.

Ахборот хуружларидан ёшларни ҳимоя қилиш, ёшларда ахборот хуружларига қарши психологик иммунитетни шакллантиришда маънавий-

психологик назариялари ва усулларни аниқ ишлаб чиқилиш лозим ва турли тоифадаги ёшларда ўрганилиши керак.

REFERENCES

1. Қурони карим маъноларининг таржима ва тавсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдуллазиз Мансур.-Т.: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси,2014
2. Айдарбек Тулепов. Интернетдаги таҳдидлардан химоя. –Т.: “Мовароуннаҳр”,2016
3. Б.Умаров, М.Ахмедова “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик”. Т.:-2012
4. Л.С .Турсунов «Психологик хавфсизлик асослари».-Т.:-2017